САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗОКИР БОЗОРБОЕВИЧ

УЧ ҚАТЛАМЛИ КОМПОЗИТ ПЛАСТИНКАНИНГ НОСТАЦИОНАР ТЕБРАНИШЛАРИ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

УДК:539.3

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on physical-mathematical sciences

Худайбердиев Зокир Бозорбоевич
Уч қатламли композит пластинкаларнинг ностационар тебранишлари........... 3

Худайбердиев Зокир Бозорбоевич
Нестационарные колебания трехслойных композитных пластин.................. 21

Khudayberdiyev Zokir Bozorboyevich
No stationary vibrations of three layered composite plate 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 43

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙБЕРДИЕВ ЗОКИР БОЗОРБОЕВИЧ

УЧ ҚАТЛАМЛИ КОМПОЗИТ ПЛАСТИНКАНИНГ НОСТАЦИОНАР ТЕБРАНИШЛАРИ

01.02.04 – Деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси

физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/FM135 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университети ва Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Худойназаров Хайрулла** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Абдикаримов Рустамхан Алимханович** физика-математика фанлари доктори, профессор **Усаров Махаматали Корабоевич** физика-математика фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти.**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «25» ноябрь куни соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366)2351938. E-mail: sasu_info@edu.uz.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (100 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 2351938. Факс: (8366)2351938.

Диссертация автореферати 2019 йил «14» ноябрь куни тарқатилди.
(2019 йил «14» ноябрь даги 6 рақамли реестр баённомаси).

Р.И.Халмурадов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

А.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, физика-математика фанлари доктори, доцент

А.З.Хасанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда техника ва қурилишнинг турли соҳаларида ишлатиладиган қатламли конструкциялар динамикасини ўрганишда, хусусан, динамик деформациянинг янги моделини ишлаб чиқишда, экспериментга яқин, самарали математик ва сонли усулларни қўллашга катта эътибор қаратилмоқда. Сўнги йилларда АҚШ, Франция, Япония, Хитой, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда муҳандислик қурилмалари мустаҳкамлигини ошириш мақсадида турли хилдаги қатламли конструкциялардан фойдаланилмоқда ва уларни ҳисоблашда ноклассик моделлар қўлланилмоқда. Шунинг учун замонавий талабларга кўра қурилмаларнинг ташқи оғирлик кўрсаткичларини камайтириш орқали саноатда ва қурилишда мустаҳкамлиликнинг таъминланиши натижасида иқтисодий жиҳатдан фойда олиниши муҳим аҳамиятга эга. Кўпгина хорижий мамлакатларда, жумладан, АҚШ, Россия, Англия, Франция, Япония, Германия ва бошқа ривожланган давлатларда шундай соҳаларни лойиҳалаш методларини ривожлантириш ва такомиллаштириш учун қурилишда, машинасозлик ва кемасозликда, динамик кучланган-деформацияланган ҳолати (КДҲ)ни ўрганиш, конструкциялар тутиб туриш лаёқатини ошириш масаласи ва ҳисоби, динамик юкланишлар, хусусан, эластик зарба, импульсли ва кўзғалувчан юкланиш ҳамда зарба тўлқини таьсирига алоҳида эътибор берилади.

Жаҳонда кўп қатламли қурилмалар таркибий элементларининг ностационар харакатларини, хусусан, турли ташқи динамик юкланишлар таьсири остидаги уч қатламли пластинкаларни ўрганишга қаратилган кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундай мустаҳкамлик билан боғлиқ масалаларда, хусусан, динамик юкланишлар таьсири остидаги уч қатламли пластинка элементларини ҳисоблаш масалаларида математик моделларни ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ностационар тебранишлар жараёнининг математик моделини тузиш, ер ва сув ости муҳандислик конструкциялари, аэрокосмосдаги бундай элементларнинг КДҲ ҳамда уларни сонли тадқиқ қилиш деформацияланувчан қаттиқ жисм механикаси соҳасида зарур ҳисобланади.

Республикамизда қурилиш ва техника соҳасида турли динамик юкланишлар таъсири остида бўлган тутиб турувчи ва кўтарувчи қобилиятли қурилиш конструкциялари деформациясини ҳисоблаш модели ва алгоритмини яратиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «... ишлаб чиқаришни моденизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш...., ... тежамкор ва самарали замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш ...»[1] вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

қурилмаларнинг юк кўтариш қобилиятларини уч қатламли композит пластинкалар орқали ошириш мақсадида қурилмалар элементларининг деформацияланиш жараёнларини ифодаловчи такомиллаштирилган математик моделларни яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва аҳолисининг сейсмик хавфсизлиги, сейсмик чидамли қурилиш ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни янада ривожлантириш чора-тадбирларини тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПҚ-3502-сон «2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолият соҳасига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Юртимизда ва хорижий давлатларда техника ва қурилишнинг турли соҳаларида кўп қатламли, хусусан, уч қатламли пластинкалар кенг қўлланилади. Бунда жуда кўп ҳолларда пластинкаларнинг динамик ҳисоби Кирхгоф гипотезаларига асосланган классик назарияга таянган ҳолда олиб борилади. Бундай ишлар жуда кўп. Классик назариянинг бундан кейинги ривожи С.Г.Лехницкий, С.А.Амбарцумян, Г.И.Петрашен, И.Г.Филиппов, Х.Алтенбах, E.Reysner, Э.И.Григолюк, В.П.Шевченко, М.В.Фоменко, Х.Х.Худойназаров, М.Мирсаидов, Р.И.Халмурадов, А.Б.Ахмедов ва бошқа таниқли олим ва тадқиқотчилар томонидан амалга оширилди, бундай тадқиқотларни қуйидаги икки йўналишга бўлиш мумкин: асимтотиклик назария ҳамда Тимошенко ва Рейсснер типидаги назарияларни ишлаб чиқиш. Кейинги бир неча ўн йилликларда Г.И.Петрашеннинг аниқ ечимлар усулига асосланган пластинка тебранишлари назариялари ишлаб чиқилган. Ушбу усулнинг турли вариантлари бир жинсли ва уч қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкалар учун профессор И.Г.Филиппов ва унинг ўқувчилари томонидан ишлаб чиқилган. Ушбу уч қатламли пластинкалар тебраниш тенгламаларини олишда қуйидаги камчиликларга йўл қўйилган: 1) фақат симметрик структурага эга бўлган уч қатламли пластинкалар қаралган; 2) изланувчи катталиклар сифатида пластинка тўлдирувчи қатлами ўрта сирти кўчишлари компоненталарининг бош қисмлари қабул қилиниб, бундай номаълум изланувчиларнинг умумий сони олтига тенг. Агар чегаравий шартлар аниқ шакллантириладиган бўлса бундай номаълум изланувчилар сони, муаллифларнинг ўзларининг тан олишларига кўра, 12 (ўн икки) тага етади; 3) чегаравий шартлар тўдирувчи қатлам ўрта сирти кўчишларининг бош қисмларига нисбатан шакллантирилганки, умуман олганда бу нарса принципиал нотўғри; 4) санаб ўтилган факторлар, охир-оқибатда муҳим соддалаштиришларни амалга оширишга мажбур этган, ўз навбатида уч қатламли пластинканинг олинган натижавий тебраниш тенгламаларини бир жинсли пластинканинг тебраниш тенгламаларига жуда яқин ҳолатга келтириб қўйган; 5) уч қатламли пластинканинг олинган тебраниш тенгламалари, хусусий ҳолда, икки қатламли пластинканинг тебраниш тенгламаларига ўтмайди (чунки қаралаётган уч қатламли пластинканинг структураси симметриклиги учун, пластинка ташқи қатламларидан бирининг олиб ташланиши автоматик тарзда иккинчи ташқи қатламнинг йўқотилишига олиб келади).

Бугунги кунда турли ташқи динамик юкланишлар таъсири остидаги қатламли пластинкаларнинг эластик-қовушоқлик хоссалари ҳисобга олинган уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг ностационар тебранишлари назарияси, масалаларини ечиш усули ва алгоритмларни ишлаб чиқишдаги муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасининг «Деформацияланувчи муҳит билан ўзаро таьсирлашувчи дискрет-узлуксиз системалар устиворлиги ва тебранишларини тадқиқ қилиш» (2000-2020) мавзудаги тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади уч қатламли пластинканинг ностационар тебранишлари динамик ҳисоб усулини ишлаб чиқиш; тебранувчи пластинка ихтиёрий кўндаланг кесими нуқталари кучланиш ва кўчишларини аниқлашни математик моделини ва алгоритмини яратиш; ишлаб чиқилган методикани статик, импульсли ва бошқа юкланишлар таьсири остидаги уч қатламли пластинкаларни ҳисоблаш ҳолатларига қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

динамик юкланишлар таьсиридаги қатламли пластинкаларни ҳисоблашни янги усулини ишлаб чиқиш;

динамик юкланишлар таьсирига учраган уч қатламли пластинка тебранишлари янги амалий масаласини қўйиш ва мос сонли ҳисоб усулини ишлаб чиқиш;

ташувчи ва тўлдирувчи қатламларнинг геометрик ва эластик ҳарактеристикаларининг пластинка тебранишлари частотасига ва амплитудаси ҳамда кучланган-деформацияланган ҳолатига таьсирини аниқловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш;

турли хил динамик юкланишлар таьсиридаги ҳамда ҳар хил чегаравий шартли уч қатламли пластинкани ҳисоблашга имкон берадиган, икки қатламли ва бир жинсли пластинкалар учун ҳам ўринли бўлган алгоритм яратиш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида замонавий техника ва қурилишда кенг фойдаланиладиган қовушоқ-эластик уч қатламли пластинка олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли, вақтга боғлиқ ўзгарувчи юкланишлар таьсиридаги қовушоқ-эластик уч қатламли пластинка динамикасини ўрганиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида асосий тадқиқот усули сифатида Г.И.Петрашен – И.Г.Филипповнинг гипотеза ва аксиомаларни қўлламасдан тенгламаларни келтириб чиқариш усули, Фуре ва Лапласнинг интеграл алмаштиришлар усуллари, ҳамда тадқиқотчилар томонидан кўп маротаба синалган бошқа аналитик ва сонли усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

динамик юкланишлар таьсиридаги қатламли пластинкаларни ҳисоблашни янги усули таклиф этилган;

зарб тўлқини ва динамик юкланишлар таьсирига учраган уч қатламли пластинка тебранишлари ҳақида янги амалий масалалар қўйилган ва ечилган;

платинканинг тебранишлари ва кучланган-деформацияланган ҳолатига ташувчи ва тўлдирувчи қатламлар геометрик ва эластик ҳарактеристикалари таьсирини аниқловчи кўрсаткичлар олинган;

турли хил динамик юкланишлар таьсиридаги ҳамда ҳар хил чегаравий шартли уч қатламли пластинкани ҳисоблашга имкон берадиган, икки қатламли ва бир жинсли пластинкалар учун ҳам ўринли бўлган алгоритм яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

динамик юкланишлар таьсири остидаги уч қатламли пластинкаларни аналитик ва сонли ҳисоблаш учун формулалар ва математик модел таклиф қилинди;

уч қатламли пластинка КДҲ ҳисоблаш ва эркин тебранишлар частоталари ва шаклларини аниқлаш масаласи, ҳамда пластинка четлари турлича маҳкамланганда уч қатламли пластинка тебранишлари масалалари ечимлари ҳисобланди;

динамик, хусусан импульсли юкланиш таьсири остидаги уч қатламли пластинканинг тебранишлари масаласининг ечими олинди;

турли чегаравий шартларда ва ташқи юкланишларда уч қатламли пластинкалар динамикасини ҳисоблашга имкон берувчи сонли ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги асосий натижалар замонавий қурилиш ва техниканинг амалий эҳтиёжлари замирида шаклланган масалаларга асосланган ва тадқиқотчилар томонидан кўп маротаба синалган математик ва сонли усулларни қўллаш натижасида олинган. Ишлаб чиқилган формулалар ва сонли ечимларнинг ишончлилиги систематик текширишлар, бошқа ўхшаш тадқиқотлар натижалари билан солиштириш, ҳамда хусусий ҳолда бир жинсли пластинка учун кенг миқёсда маьлум бўлган натижалар таққослаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти уч қатламли пластинкалар динамикаси масалаларини ечиш усулларини ривожлантириш; вақт давомида ўзгарувчи юкланишлар таьсиридаги уч қатламли пластинканинг тебранишлари ҳақидаги янги масалаларни ечиш ҳамда ишлаб чиқилган методикаларни четлари турлича маҳкамланган пластинка ва хусусан икки қатламли ва бир жинсли пластинкалар учун умумлаштириш имконияти билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ташқи динамик юкланишлар таьсири остидаги уч қатламли эластик ва қовушоқ-эластик пластинкаларнинг КДҲ ҳақидаги амалий масалаларни ечиш учун аналитик-сонли алгоритмлар яратишдан иборат; ундан ташқари олинган натижалар умумий ҳарактерга ега бўлиб уларни хусусий ҳолларга, масалан икки қатламли ва бир қатламли пластинкаларнинг қатламларидаги реологик, анизотропик ва бошқа хоссаларини эьтиборга олган ҳолда қўллаш мумкин. Олинган натижаларни қурилиш ва техника соҳасидаги уч қатламли пластинкалар ҳолатини сон ва сифат жиҳатдан таҳлил қилиш амалий масалаларни ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Уч қатламли композит пластинкалар ностационар тебранишлари сонли таҳлили учун ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар ва дастурий таминотлар асосида қуйидагилар амалга оширилди:

қўзғалмас лекин динамик қўзғалувчан юклар таьсири остидаги уч қатламли пластинка эгилиши ҳисоби «Меьмор Уткир Човка» МЧЖда пластинка зичлигини таминловчи қатламли алматуралар ўлчамларини алмаштириш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада пластинкани арматураларнинг ўрта зич қатлами билан кучайтиришнинг олди олинди. Бу арматуралар орасидаги масофани 0.05 *м* га узайтиришга имкон берди ва металл сарфи олдиндан белгиланган миқдорга нисбатан 20% тежалди;

уч қатламли пластинканинг деформацияланган ҳолати ҳисоби «Меьмор Уткир Човка» МЧЖда пластинканинг энг катта эгилиш нуқталарини аниқлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада бундай нуқталарни мустаҳкамлаш йўли пластинканинг юк кўтариш қобилятини 12-14%га ошириш имконини берган;

маълум критериялар бўйича устиворлик шартларини сақлаган ҳолда, уч қатламли ва икки қатламли пластинкалар устиворлигини баҳолаш учун, пластинка текислигига нормал кучланишлар майдони ҳисоби «СВП МАСКАН» МЧЖда уч қатламли пластинка КДҲ ва устуворлигини аниқлаш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада бу материал сарфини 5-10%га тежаш имконини берган;

қўзғалмас лекин динамик ва қўзғалувчан юкланиш таьсири остидаги уч қатламли пластинканинг эгилиши ҳисоби «СВП МАСКАН» МЧЖда пластинкани арматуранинг зич қатлами билан кучайтириб юборишнинг олдини олиш жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 8 июндаги №1186/30-01-сон маълумотномаси). Натижада ораёпма пластинканинг уч қатламлилигини ҳисобга олган ҳолда унинг кучланган-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш қурилманинг оғирлигини 7% га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида муаммонинг долзарблиги ҳақида батафсил маълумотлар берилган, диссертация ишининг мақсади, ишлаб чиқилиши лозим бўлган асосий масалалар ёритилган, ҳимояга олиб чиқилаётган асосий илмий янгиликлари баён қилинган. Ишда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, диссертация натижалари маьруза қилинган конференция ва семинарлар рўйхати келтирилган, ишнинг тузилиши ва ҳажми баён этилган.

Диссертациянинг «**Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг ностационар тебранишлари. Илмий тадқиқотлар шарҳи**» деб номланган биринчи боби эластик жисм ва кўп қатламли стерженлар, пластинкалар ва қобиқлар каби инженерлик конструкция элементлари умумий шарҳи ва ҳолатини ўрганишга бағишланган. Диссертация иши доирасида олиб бориладиган кейинги тадқиқотлар учун умумий дастурни ишлаб чиқиш, ҳамда асосий ҳал этувчи уч қатламли пластинка тебраниш тенгламаларини танлаш.

1.1 параграфда диссертация иши мавзуси бўйича илмий мақолаларни ўрганиш натижасида кўп қатламли стержен пластинка ва қобиқлар динамикаси асосий йўналишлари ёритилган. Бунда асосий урғу инженерлик конструкциялари кўп қатламли элементларига, хусусан икки ва уч қатламли пластинкаларга қаратилган.

Диссертация ишида қаралаётган масалада, уч қатламли пластинка асосий тебраниш тенгламалари профессорлар Г.И.Петрашен ва И.Г.Филиппов таклиф этган усул асосида келтириб чиқарилган. Ушбу бўлим доирасида кўрсатилган тенгламаларни ишлаб чиқишда ишлатиладиган асосий ғоялар ва ёндашувлар батафсил ёритилган. Бундан ташқари диссертацияда иш билан боғлиқ бўлган мақолалар билан биргаликда ўзбек олимларининг хусусан академик Т.Р.Рашидов, Т.Ш.Ширинкулов, М.Мирсаидов ва профессор К.С.Султанов, Т.Мавлонов, А.Б.Ахмедов ва бошқалар ишлари батафсил ўрганиб чиқилди ва таҳлил қилинди.

Муҳандислик конструкциялари кўп қатламли элементлари тебранишларига оид катта миқдордаги адабиётлар манбалари таҳлил қилинди. Натижада, кўп қатламли муҳандислик элементлари назарияси кўплаб муаммолари хусусан, уч қатламли ва кўп қатламли пластинка ва қобиқлар назариялари етарлича ривожланмаганлиги қайд этилди. Уч қатламли пластинкалар динамикасини ҳисоблаш усулларини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ностационар тебранишларига тегишли амалий масалаларни ҳал қилиш керак деган хулосалар чиқарилди.

1.2 параграф диссертация иши доирасида тадқиқ қилинаётган уч қатламли пластинканинг тебранишлари умумий масаласи ва уни ечиш усулига бағишланган. Чексиз ўлчамдаги қовушоқ-эластик уч қатламли пластинка қаралган. Қаралаётган пластинка уч ўлчовли жисм деб қаралади. Пластинка қатламлари бир хил тузилмали ва бир хил геометрияли қовушоқ-эластик материалдан тайёрланган бўлиб юқори ва қуйи қатламлар геометрик ва физик чизиқли шартларда ҳар хил калинликларга эга бўлиб, текисликда чекланмаган қатламлар орасидаги туташ чегаралар текис ва ҳар хил контакт таьсир шартларида берилади (1-расм). Бунда пастки ва юқори қатламлар «ташувчи қатламлар» деб номланади.



1 Расм. Уч қатламли пластинка элементи

Пластинкани тўғри бурчакли $Oxyz$ декарт координаталари системасида қараймиз (1-расм). Пластинка қатламларини 1-расмдагидек номерлаймиз яъни юқори ташувчи қатламни биринчи қатлам, пастки ташувчи қатламни – иккинчи, ўрта қатламни ёки тўлдирувчини – нолинчи қатлам деб номлаймиз.

Биринчи, нолинчи ва иккинчи қатламлар қалинликларини h_1, $2h_0$ ва h_2 орқали белгилаймиз; λ_m, μ_m – қатламлар материали эластик ўзгармаслари яъни Ламе коэффициентлари; ρ_m – қатламлар хажмий зичликлари. Бунда «m» индекс 0,1,2 қийматларни қабул қилади. Қатламлар материали қовушоқ-эластик хоссасига эга бўлганлигидан Больцман-Вольтерра интеграл оператори қуйидагича ҳисобланади

$$L_{1m}(\zeta)=\lambda_m\left[\zeta(t)-\int_0^t K_{1m}(t-\tau)\zeta(\tau)d\tau\right];\ M_m(\zeta)=\mu_m\left[\zeta(t)-\int_0^t K_{2m}(t-\tau)\zeta(\tau)d\tau\right]. \qquad (1)$$

бу ерда $K_{1m}(\tau), K_{2m}(\tau)$ – қатламлар материалининг хоссасидан боғлиқ L_{1m} ва M_m $(m=0,1,2)$, қовушоқ – эластик операторлари ядролари. Бунда L_{1m} ва M_m $(m=0,1,2)$ операторлар тескариланувчан, $K_{1m}(\xi)$ ва $K_{2m}(\xi)$ ядролар эса ихтиёрий деб фараз қиламиз.

Пластинка қатламлари нуқталари кучланишлари $\sigma_{ij}^{(m)}\ (i, j=1,2,3;\ m=0,1,2)$ ва деформацияси $\varepsilon_{ij}^{(m)}\ (i, j=1,2,3;\ m=0,1,2)$ орасидаги боғланишлар чизиқли операторда Больцман интеграллари қатнашган ҳолда қуйидагича ёзилади:

$$\begin{aligned} &\sigma_{ii}^{(m)} = L_{1m}\left(\varepsilon^{(m)}\right)+2M_m\left(\varepsilon_{ii}^{(m)}\right); \qquad (i=1,2,3), \\ &\sigma_{ij}^{(m)} = M_m\left(\varepsilon_{ij}^{(m)}\right); \qquad (i, j=1,2,3;\ i\neq j), \end{aligned} \qquad \varepsilon^{(m)}=\varepsilon_{11}^{(m)}+\varepsilon_{22}^{(m)}+\varepsilon_{33}^{(m)};\ (m=0,1,2). \tag{2}$$

$0x^1x^2x^3$ декарт координаталар системасида пластинка қатламлари нуқталари ҳаракатини тавсифлаш учун ҳаракат тенгламасини қуйидагича қабул қиламиз

$$\sigma_{ij,j}^{(m)} = \rho_m \frac{\partial^2 \vec{U}^{(m)}}{\partial t^2}; \quad (m=0,1,2), \tag{3}$$

бу ерда $\vec{U}^{(m)}$- қатлам нуқталари кўчиш вектори; t-вақт. φ_m скаляр ва $\vec{\psi}_m$ вектор потенциалларини қуйидаги формула билан киритамиз

$$\vec{U}^{(m)} = grad\varphi_m + rot\vec{\psi}_m, \tag{4}$$

$$\vec{U}^{(m)} = \vec{U}\left(U^{(m)}, V^{(m)}, W^{(m)}\right);\ \ \vec{\psi}_m = \vec{\psi}\left(\psi_{1m}, \psi_{2m}, \psi_{3m}\right);\ (m=0,1,2)$$

Бунда $\vec{\psi}_m$ вектор потенциали вектор майдоннинг қуйидаги соленоидлик шартини қаноатлантириши керак

$$div\vec{\psi}_m = 0, \quad (m=0,1,2) \tag{5}$$

(3) системага (4) ни қўйиб φ_m бўйлама ва $\vec{\psi}_m$ кўндаланг тўлқин потенциали учун қовушоқ-эластик қатламли пластинка ҳаракат тенгламаларини тўлқин тенгламалари кўринишида осонгина оламиз

$$L_m(\Delta\varphi_m) = \rho_m \frac{\partial^2 \varphi_m}{\partial t^2}; \quad M_m(\Delta\vec{\psi}_m) = \rho_m \frac{\partial^2 \vec{\psi}_m}{\partial t^2}; \quad (m=0,1,2), \tag{6}$$

бу ерда қуйидаги белгилашларни киритамиз

$$L_m = L_{1m} + 2M_m; \qquad \Delta = \frac{\partial^2}{\partial x^2} + \frac{\partial^2}{\partial y^2} + \frac{\partial^2}{\partial z^2}.$$

Кўчиш вектори, деформация ва кучланиш тензори компоненталари φ_m ва ψ_m $(m=0,1,2)$. потенциаллар орқали ифодаланади.

$t<0$ да пластинка тинч ҳолатда бўлган, $t=0$ пайтда унинг чегаравий сиртларига (ташувчи қатламлар сиртларига) $z=\pm h_i^*$; $h_i^* = h_0 + h_i$, $(i=1,2)$ да динамик таъсир бошланган деб хисоблаймиз.

$$\sigma_{xz}^{(i)}(x,y,z,t)\Big|_{z=\pm h_i^*} = \pm F_{xz}^{(i)}(x,y,t); \quad \sigma_{yz}^{(i)}(x,y,z,t)\Big|_{z=h_i^*} = \pm F_{yz}^{(i)}(x,y,t);$$

$$\sigma_{zz}^{(i)}(x,y,z,t)\Big|_{z=\pm h_i^*} = \pm F_z^{(i)}(x,y,t), \quad (i=1,2). \tag{7}$$

$t<0$ да пластинка тинч деб фараз қиламиз шунинг учун барча қатламлар ҳам тинч ва бундан $t=0$ да бошланғич шартлар нолга тенг деб ҳисоблаймиз

$$\varphi_m = \psi_{km} = \frac{\partial \varphi_m}{\partial t} = \frac{\partial \varphi_{1m}}{\partial t} = 0, \ (m=0,1,2). \tag{8}$$

(7) чегаравий шартдан ташқари пастки ва юқори ташувчи қатламлар билан тўлдирувчи контакт сиртларида қуйидаги динамик ва кинематик контакт шартлар бажарилиши керак:

а) юқори ташувчи қатлам ва тўлдирувчи орасидаги контакт сиртда $z = h_0$ да:

$$\sigma_{zz}^{(0)} = \sigma_{zz}^{(1)};\ \sigma_{xz}^{(0)} = \sigma_{xz}^{(1)};\ \sigma_{yz}^{(0)} = \sigma_{yz}^{(1)};\ U_0 = U_1;\ V_0 = V_1;\ W_0 = W_1. \qquad (9)$$

б) пастки ташувчи қатлам ва тўлдирувчи орасидаги контакт сиртда яъни $z = -h_0$ да:

$$\sigma_{zz}^{(0)} = \sigma_{zz}^{(2)};\ \sigma_{xz}^{(0)} = \sigma_{xz}^{(2)};\ \sigma_{yz}^{(0)} = \sigma_{yz}^{(2)};\ U_0 = U_2;\ V_0 = V_2;\ W_0 = W_2. \qquad (10)$$

$t = 0$ да (8) потенциаллар учун бошланғич шартдан U_m, V_m, W_m $(m = 0,1,2)$ кўчишлар учун қуйидаги бошланғич шартларни оламиз:

$$U_m = V_m = W_m = 0\,; \qquad \frac{\partial U_m}{\partial t} = \frac{\partial V_m}{\partial t} = \frac{\partial W_m}{\partial t} = 0\,. \qquad (11)$$

Шундай қилиб пластинка ностационар тебранишлари масаласининг умумий қўйилишида масалани ечиш учун ҳар бир қатламда тўрттадан (масалан, $\varphi_0, \psi_{10}, \psi_{20}, \psi_{30}$ нолинчи ёки тўлдирувчи қатлам учун аниқланадиган функциялар) – (6) тенгламани (7) чегаравий ва (9), (10) контакт ва (8) ёки (11) нол бошланғич шартларда ечиш керак.

Бу параграф доирасида масалани умумий ечиш усули берилиб қуйида уч қатламли пластинканинг симметрик тебранишлари масаласини ечишда ишлатилади.

1.3 параграфда уч қатламли пластинка тебранишлари амалий масаласи учта гурухга ажратилган:

1^0. Биринчи гурухга тузулиши кучланиш таъсири йўналишидан ҳамда уларнинг қийматидан боғлиқ масалалар киради (йўқ ёки нолга тенг кучланишлардан фарқли). Бунга пластинка тебранишининг икки кўриниши симметрик ва антисимметрик тебранишлари тегишли.

2^0. Иккинчи гурухга пластинка қатламлари орасидаги контакт турлича шартлар билан берилган пластинкалар тебранишлари масаласи тегишли. Бунда шундай уч турдаги масалалар қаралади: 1) бикр контакт; 2)идеал контакт; 3) Кулон қонуни бўйича ишқаланиб силжиш

3^0. Учинчи гурухга пластинка четлари турли шартлар билан берилган масалалар тегишли. Бундай ҳолда пластинка четлари маҳкамланишидан боғлиқ турли чегаравий шартлар тузиш мумкин. Диссертацияда тўртта шундай адабиёт манбаларида келтирилган пластинка тебранишлари чегаравий масаласи қўйилган хусусан: 1) пластинка тўртала чети ҳам бикр маҳкамланган; 2) пластинка тўртала чети ҳам шарнирли маҳкамланган; 3) пластинка тўртала чети ҳам эркин таянган; 4) Юқоридаги ҳоллар турли комбинацияда олинган. Масалан, пластинка икки чети шарнирли маҳкамланган, бошқа иккиси эркин таянган; икки чети шарнирли маҳкамланган, бошқа иккиси қистириб маҳкамланган, ва ҳ.к.

Диссертациянинг **«Уч қатламли қовушоқ-эластик пластинка ностационар симметрик тебранишлари»** деб номланган иккинчи боби уч қатламли қовушоқ-эластик пластинканинг ностационар тебранишлари назариясини аниқ ечимлар усули бўйича ишлаб чиқишга бағишланган бўлиб, бунда юқорида кўрсатилган камчиликлардан ҳоли ва текис масала қаралган. Ташувчи қатлам ва тўлдирувчи орасидаги контакт бикр деб ҳисобланади.

2.1 параграф уч қатламли қовушоқ – эластик пластинка симметрик тебранишлари умумий тенгламаларини келтириб чиқаришга бағишланган. Масаланинг умумий қўйилиши юқорида 1.2 бўлимда уч ўлчовли ҳолда келтирилган. Пластинканинг ўлчамлари чекланмаганлигини ҳисобга олиб қуйида бу тенгламалар тўғри тўртбурчакли Oxz декарт координаталар системасида (1-расм).

Текис деформация ҳолида қатлам нуқталари кўчиш векторлари қуйидагича

$$\vec{U}^m = U_m \cdot \vec{i} + W_m \cdot \vec{k}\,; \quad U_m = U_m(x,z,t)\,; \qquad W_m = W_m(x,z,t), \tag{12}$$

бу ерда $\vec{i}$, $\vec{k}$ – координата ўқининг бирлик орталари, (4) да қуйидагича оламиз

$$\varphi_m = \varphi_m(x,z,t); \qquad \vec{\psi}_m = \psi_m(x,z,t)\vec{j} \tag{13}$$

бу ерда $\vec{j}$ – $Oy,$ ўқи бирлик ортаси, пластинка қатламлари нуқталарининг ҳаракат тенгламалари (6) даги ўн иккита оддий дифференциал тенгламалардан $\varphi_m(x,z,t)$ ва $\psi_m(x,z,t)$ потенциал функцияларга нисбатан олтита тўлқин тенгламаларига келтирилади. Бунда Лаплас операторининг кўриниши қуйидагича

$$\Delta = \partial^2/\partial x^2 + \partial^2/\partial z^2\,. \tag{14}$$

Белгилашлардан, $\vec{\psi}_m$ вектор майдон соленоидлик шарти (5) автоматик ҳолда (13) кўринишга ўтади.

Энди пластинка қатламларидаги кўчиш вектори компоненталарини, ҳамда деформация ва кучланишлар тензорини киритилган (3) потенциал функциялар орқали осонгина ифодалаймиз. Масалан

$$U_m = \frac{\partial\varphi_m}{\partial x} - \frac{\partial\psi_m}{\partial z}; \;\; \varepsilon_{xx}^{(m)} = \frac{\partial^2\varphi_m}{\partial x^2} - \frac{\partial^2\psi_m}{\partial x\partial z};\; ....(m = 0,1,2). \tag{15}$$

Қовушоқ-эластиклик чизиқли назариясига кўра (12) кўчишлар майдонини кўрсатилганидек қуйидаги кўринишда симметрик ва антисимметрик қисмларга ажратиб тасвирлаш мумкин

$$\vec{U}_m = \vec{U}_m^s + \vec{U}_m^a, \tag{16}$$

бу ерда $\vec{U}_m^s$-пластинка қатламлари кўчишлар майдонининг симметрик (бўйлама), $\vec{U}_m^a$-антисимметрик (эгилишдаги) қисмлари. Бунда (16) йиғинди майдон (7) чегаравий шартни қаноатлантиради, унинг симметрик қисми (7) шартни қаноатлантириши керак

$$f_x^{(1)}(x,t) = -f_x^{(2)}(x,t) = \frac{1}{2}\left(F_x^{(1)} + F_x^{(2)}\right); \;\; f_z^{(1)}(x,t) = f_z^{(2)}(x,t) = \frac{1}{2}\left(F_z^{(1)} + F_z^{(2)}\right). \tag{17}$$

яъни масаланинг (7) чегаравий шарти қуйидаги кўринишда

$$\begin{aligned} &\sigma_{xz}^{(i)}(x,z,t)\Big|_{z=(-1)^{i-1}h_i^*} = f_x^{\,i}(x,t); \qquad \sigma_{zz}^{(i)}(x,z,t)\Big|_{z=(-1)^{i-1}h_i^*} = f_z^{\,i}(x,t); \\ &\sigma_{yz}^{(i)}(x,z,t)\Big|_{z=(-1)^{i-1}h_i^*} = 0; \quad h_i^* = h_0 + h_i, (i = 1,2) \end{aligned} \tag{18}$$

Бундан ташқари тўлдирувчининг $z=\pm h_0$ сиртида динамик ва кинематик котакт шартлар қуйидагича

$$\sigma_{zz}^{(0)}(x,z,t)\Big|_{z=\pm h_0}=\begin{cases}\sigma_{zz}^{(1)}(x,z,t)\Big|_{z=h_0},\\ \sigma_{zz}^{(2)}(x,z,t)\Big|_{z=-h_0};\end{cases}\qquad \sigma_{xz}^{(0)}(x,z,t)\Big|_{z=\pm h_0}=\begin{cases}\sigma_{xz}^{(1)}(x,z,t)\Big|_{z=h_0},\\ \sigma_{xz}^{(2)}(x,z,t)\Big|_{z=-h_0};\end{cases}\qquad (19)$$

$$\sigma_{yz}^{(0)}(x,z,t)\Big|_{z=\pm h_0}=0,$$

ва

$$U_0(x,z,t)\Big|_{z=\pm h_0}=\begin{cases}U_1(x,z,t)\Big|_{z=h_0};\\ U_2(x,z,t)\Big|_{z=-h_0},\end{cases} W_0(x,z,t)\Big|_{z=\pm h_0}=\begin{cases}W_1(x,z,t)\Big|_{z=h_0};\\ W_2(x,z,t)\Big|_{z=-h_0}.\end{cases}\qquad (20)$$

$t=0$ да бошланғич шартлар нолга тенг деб ҳисобланади

$$\varphi_m=\psi_m=0,\ \frac{\partial\varphi_m}{\partial t}=\frac{\partial\psi_m}{\partial t}=0.\qquad (21)$$

Шундай қилиб, уч қатламли пластинканинг ностационар тебранишлари масаласини ечиш олтита иккинчи тартибли (6) интегро-дифференциал тенгламаларни ўн иккита (18)- (20) чегаравий ва контакт шартлар ҳамда нолга тенг (21) бошланғич шартларда ечишга тўғри келади.

Қўйилган масалани ечиш учун ташқи таъсир функциялари яъни $f_x^{(1,2)}(x,t)$ ва $f_z^{(1,2)}(x,t)$ нинг (17) кўринишини қуйидагича тасвирлаймиз

$$f_x^{(1,2)}(x,t)=\int_0^\infty\left.\begin{matrix}\cos kx\\ \sin kx\end{matrix}\right\}dk\int_{(l)}\tilde f_x^{(1,2)}(k,p)e^{pt}dp;\quad f_z^{(1,2)}(x,t)=\int_0^\infty\left.\begin{matrix}\sin kx\\ -\cos kx\end{matrix}\right\}dk\int_{(l)}\tilde f_z^{(1,2)}(k,p)e^{pt}dp,\qquad (22)$$

бу ерда $\tilde f_x^{(i)}(k,p)$, ва $\tilde f_z^{(i)}(k,p)$, $(i=1{,}2)$ – $\operatorname{Re}p>0$ регуляр функциялар. Бу функциялар чекли сондаги қутбларга эга, $(-i\omega_0,\, i\omega_0)$ мавҳум ўқни ўз ичига олувчи ва жуда этиборга олмаслик даражада кичик $k>k_0$ учун $\Omega(k,p)$ бирор соҳанинг ичида ихтиёрий қийматни қабул қилади. (l)– контур (Р) комплекс соҳада $\operatorname{Re}p=\nu>0$ k бўйича ўзидан ўнг тарафдаги $\Omega(k,p)$ қолган қисми.

Ушбу қабул қилинган фаразларга таяниб ташқи таъсир функциялари учун (6), (18)- (20) ва (21) масаланинг ечимини (22) кўринишда излаймиз натижада (6) тенгламадан потенциал функцияларга нисбатан оддий дифференциал тенгламаларга келамиз. Ҳосил бўлган тенгламаларнинг умумий ечимлари қуйидагича бўлади

$$\begin{aligned}\tilde\varphi_m(z,k,p)&=A_1^{(m)}(k,p)ch\alpha_m z+A_2^{(m)}(k,p)sh\alpha_m z;\\ \tilde\psi_m(z,k,p)&=B_1^{(m)}(k,p)sh\beta_m z+B_2^{(m)}(k,p)ch\beta_m z;\ (m=0{,}1{,}2),\end{aligned}\qquad (23)$$

бу ерда

$$\begin{aligned}&\alpha_m^2=k^2+\rho_m p^2\tilde L_m^{-1}; && \beta_m^2=k^2+\rho_m p^2\tilde M_m^{-1};\\ &\tilde L_m=(\lambda_m+2\mu_m)\left[1-\tilde K_{1m}(p)\right]; && \tilde M_m=\mu_m\left[1-\tilde K_{2m}(p)\right];\end{aligned}\qquad (24)$$

$$\tilde K_{im}(p)=\int_0^\infty K_{im}(\tau)e^{-pt}dt;\qquad \arg\alpha=\arg\beta=0,\ \rho>0 \text{ да.}$$

(17) га мос симметрик таъсирлар ҳолида,

$$f_x^{(2)}=-f_x^{(1)}\quad \text{ва}\quad f_z^{(2)}=f_z^{(1)}$$

(23) дан қуйидаги келиб чиқади

$$A_2^{(m)}=0,\qquad B_2^{(m)}=0,\qquad (m=0,1,2).$$

Бундан (6) тенгламанинг ечими пластинка симметрик тебранишлари ҳолида қуйидагича

$$\tilde{\varphi}_m(z,k,p)=A_1^{(m)}(k,p)ch\alpha_m z;\quad \tilde{\psi}_m(z,k,p)=B_1^{(m)}(k,p)sh\beta_m z,\quad (m=0,1,2).\quad (25)$$

U_m ва W_m кўчишларни ҳам (22) кўринишида тасвирлаймиз. Буларни кўчишларнинг (15) ифодасига қўйиб $\tilde{U}_m$ ва $\tilde{W}_m$ алмаштирилган кўчишлар учун формулаларни оламиз. Олинган ифодада гиперболик функцияларнинг даражали қаторларга стандарт ёйилмаларидан фойдаланиб қуйидагини оламиз

$$\tilde{U}_m=\sum_{n=0}^{\infty}\left[k\alpha_m^{2n}\cdot A_1^{(m)}-\beta_m^{2n+1}B_1^{(m)}\right]\frac{z^{2n}}{(2n)!};\ \tilde{W}_m=\sum_{n=0}^{\infty}\left[\alpha_m^{2n+2}\cdot A_1^{(m)}-k\beta_m^{2n+1}B_1^{(m)}\right]\frac{z^{2n+1}}{(2n+1)!}.\qquad (26)$$

Уч қатламли пластинканинг тебраниш тенгламаларидаги изланувчи функциялар сифатида нолинчи қатламнинг шундай сирти нуқтасининг алмаштирилган $\tilde{U}_0$ ва $\tilde{W}_0$ кўчишларнинг бош қисмларини қабул қиламизки бу сиртнинг ўзи $z=0$ текисликдан қуйидаги формула билан аниқланувчи масофада ётади

$$\xi=\chi\cdot h_0,\qquad -1\le\chi<0;\quad 0\le\chi<1\qquad (27)$$

бу ерда χ -ўзгармас сон $-1\le\chi\le1$ тенгсизликни қаноатлантиради. Бунинг учун (26) тенгламада $z=\xi,\ m=0$ ва $n=0$ деб қабул қиламиз. У холда $\tilde{U}_0^{(0)}$ ва $\tilde{W}_0^{(0)}$ белгилашларни киритиб қуйидагини оламиз

$$A_1^{(0)}=\frac{\frac{1}{\xi}\tilde{W}_0^{(0)}-k\tilde{U}_0^{(0)}}{\alpha_0^2-k^2};\quad \beta_0B_1^{(0)}=\frac{\frac{k}{\xi}\tilde{W}_0^{(0)}-\alpha_0^2\tilde{U}_0^{(0)}}{\alpha_0^2-k^2}.\qquad (28)$$

Сўнгра кўчишлар ва кучланишларни киритилган $\tilde{U}_0^{(0)}$ ва $\tilde{W}_0^{(0)}$ функциялар орқали ифодалаб чегаравий ва контакт шартларда қуйидаги уч қатламли қовушоқ-эластик пластинка симметрик тебранишлари тенгламаларини оламиз

$$\left\{c_{11}\frac{\partial^4}{\partial t^4}+c_{12}\frac{\partial^4}{\partial x^2\partial t^2}+c_{13}\frac{\partial^4}{\partial x^4}+c_{14}\frac{\partial^2}{\partial t^2}+c_{15}\frac{\partial^2}{\partial x^2}+c_{16}\right\}\frac{\partial}{\partial x}W_0^{(0)}(x,t)+$$
$$+\left\{d_{11}\frac{\partial^4}{\partial t^4}+d_{12}\frac{\partial^4}{\partial x^2\partial t^2}+d_{13}\frac{\partial^4}{\partial x^4}+d_{14}\frac{\partial^2}{\partial t^2}+d_{15}\frac{\partial^2}{\partial x^2}\right\}U_0^{(0)}(x,t)=$$
$$=\left\{s_{11}\frac{\partial^4}{\partial t^4}+s_{12}\frac{\partial^4}{\partial x^2\partial t^2}+s_{13}\frac{\partial^4}{\partial x^4}+s_{14}\frac{\partial^2}{\partial t^2}+s_{15}\frac{\partial^2}{\partial x^2}+s_{16}\right\}f_x^{(1)}(x,t);\qquad (29)$$
